

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

УРУНОВА ДИЛБАР МАХМУДОВНА

**РЕТРОВИРУСГА ҚАРШИ ТЕРАПИЯ ФОНИДАГИ ОИВ
ИНФЕКЦИЯЛИ БЕМОРЛАРДА ҲАР ХИЛ ПАРАМЕТРЛАР ВА
КОМОРБИД ҲОЛАТЛАРНИ КОМПЛЕКС БАҲОЛАШ**

**14.00.10-Юқумли касалликлар
14.00.36-Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the Doctor of Sciences (DSc) dissertation abstract

Урунова Дилбар Махмудовна

Ретровирусга қарши терапия фондаги ОИВ инфекцияли беморларда ҳар хил параметрлар ва коморбид ҳолатларни комплекс баҳолаш.....3

Урунова Дилбар Махмудовна

Комплексная оценка различных параметров и коморбидных состояний при ВИЧ инфекции на фоне антиретровирусной терапии27

Urunova Dibar Maxmudovna

A comprehensive evaluation of diverse parameters and comorbid conditions in HIV infection in the context of antiretroviral therapy51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....56

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

УРУНОВА ДИЛБАР МАХМУДОВНА

**РЕТРОВИРУСГА ҚАРШИ ТЕРАПИЯ ФОНИДАГИ ОИВ
ИНФЕКЦИЯЛИ БЕМОРЛАРДА ҲАР ХИЛ ПАРАМЕТРЛАР ВА
КОМОРБИД ҲОЛАТЛАРНИ КОМПЛЕКС БАҲОЛАШ**

**14.00.10-Юқумли касалликлар
14.00.36-Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.DSc/Tib512 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tma.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Ахмеджанова Зулфия Исмаиловна
тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

Юлдашев Кахрамон Халдарович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Байжанов Аллаберган Кадиорович
тиббиёт фанлари доктори

Уразметова Маиса Дмитриевна
тиббиёт фанлари доктори

Ярмухамедова Наргиза Анваровна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Семей тиббиёт университети (Қозоғистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100151, Тошкент ш. Учтепа тумани, Заковат кўчаси, 2 А-уй. Тел: (+99871) 243-36-05.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел.: (99878) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____куни тарқатилди.
2025 йил «___» _____даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Л. Н. Туйчиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н. У. Таджиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б.М.Таджиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда одам иммунитет танқислиги вируси (ОИВ) демографик ва ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларга салбий таъсир кўрсатиб, соғлиқни сақлаш тизими учун жиддий глобал таҳдид бўлиб қолмоқда. ЖССТнинг маълумотларига кўра, «... дунёда 39 миллионга яқин одам ОИВ билан яшайди, ҳар йили 1,5 миллиондан ортиқ янги ҳолатлар қайд этилиб, тахминан 650 минг нафар одам вафот этган»¹. ОИВ инфекцияси айниқса, даволанишга имкониятлар чекланган ҳудудларда ўлим кўрсаткичларининг ошишига, туғилишнинг камайишига ва беморлар ҳаёт сифатининг пасайишига сабаб бўлмоқда. ОИВ инфекциясини даволаш соҳасида эришилган ютуқларга қарамасдан, ҳанузгача патогенези, вирусни тўлиқ элиминация қилиш ва иммун жавобни тўлиқ тиклаш масалалари ечилмаган бўлиб қолмоқда. Айрим беморларда узоқ муддатли ретровирусга қарши терапия (РҚТ) олиб борилган тақдирда ҳам, қолдиқ виремия ва иммунологик ўзгаришлар сақланиб қолади, бу эса турли хил касалликлар ривожланиш хавфини келтириб чиқаради.

Жаҳонда ОИВ-инфекциясининг клиник кечиши ва даволаш, олдини олиш самарадорлигига эришиш мақсадида катор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, жумладан РҚТ фонидаги ОИВ инфекцияли беморларда ҳар хил параметрлар ва коморбид ҳолатларни комплекс баҳолаш, турли иммуносупрессияли беморлар улушини ОИВ инфекциясининг узоқ муддатли динамикасида баҳолаш, CD4 лимфоцитлар миқдорининг турли иммуносупрессия даражаларига нисбатан турли вақт ораликларида ўзгариш динамикасини баҳолаш, РҚТ негизида CD4 лимфоцитлар миқдорининг тикланиш имкониятини аниқлаш, ОИВ инфекцияли беморларда коморбид ҳолатларни коморбидлик индекси, иккиламчи ва ёндош касалликларнинг тузилмасини клиник-демографик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда комплекс таҳлил этиш, ретровирусли қарши терапия негизида гематологик кўрсаткичларни баҳолаш, РҚТ фонидаги иммунологик жавобни ўрганиш, коморбид ҳолатларни касалликга таъсир қилувчи ҳар хил омиллар билан ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, юқумли касалликларни тарқалиши, ташхислаш, даволаш ва олдини олиш, асоратларини камайтиришни талаб қилади. «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар ОИВ

¹ WHO. Global HIV Report 2022. Geneva: WHO; 2024.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

инфекциясида коморбид ҳолатларни ўрганиш, иммунологик жавобнинг узок муддатли динамикасини, беморларнинг яшовчанлигини, яллиғланиш ва гематологик кўрсаткичлар маркерларини баҳолаш, даволаш самарадорлигини ошириш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, шунингдек, соғлиқни сақлаш харажатларини оптималлаштиришни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» фармони, 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2023 йил 20 январдаги ПҚ-41-сон «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликка қарши курашиш тизимини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. ОИВ инфекцияли беморларда РҚТ фониди турли параметрлар ва коморбид ҳолатларни комплекс баҳолашга қаратилган тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Johns Hopkins University (АҚШ), University of the Witwatersrand ва University of KwaZulu-Natal (Жанубий Африка), Columbia University (АҚШ), Pediatric Institute (Малайзия), Imperial College London ва Great Ormond Street Hospital NHS Trust (Буюк Британия), University Teaching Hospital (Замбия), University of Zimbabwe College of Health Sciences (Зимбабве), Stellenbosch University (Жанубий Африка), Institute of Child Health (Буюк Британия), Radboud University Medical Center (Нидерландия), Bambino Gesù Children's Hospital (Италия), Our Lady's Children's Hospital Crumlin ва University College Dublin (Ирландия), Florence University ва University of Milan (Италия), Free University of Brussels (Бельгия), Porto Central Hospital (Португалия), HELIOS Hospital Krefeld (Германия), University of Barcelona (Испания), шунингдек, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда ОИВ инфекцияли беморларда турли параметрлар ва коморбид ҳолатларни комплекс баҳолаш ҳамда РҚТ самарадорлигини оширишга қаратилган тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва тиббиёт муассасаларида амалга оширилган. ОИВ инфекциясининг кечиши сил,

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий –тадқиқотлар халқаро электрон илмий платформалар (www.who.int, www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed, www.highwire.org, www.cochranelibrary.com, www.ebi.ac.uk, www.niaid.nih.gov, www.cams.cn (<https://riv.uz/>, <http://immunology.uz>, tipme.uz, cdpkmo.uz) ва бошқа мнабалар асосида амалга оширилди

вирусли гепатитлар, юрак-қон томир ва метаболик бузилишлар, онкологик ва психоневрологик асоратлар ривожланиши билан жиддий мураккаблашиши исботланган (Johns Hopkins University (АҚШ), University of the Witwatersrand (Жанубий Африка), Karolinska Institutet (Швеция) ва Stellenbosch University (Жанубий Африка); РҚТ фонидаги сурункали яллиғланиш ва иммун фаоллашув коморбид жараёнларни кучайтиради, асоратлар хавфини оширади ва касаллик оқибатига салбий таъсир кўрсатиши исботланган (Imperial College London (Буюк Британия), University College London (Буюк Британия) ва Karolinska Institutet (Швеция); иммунологик жавоб динамикаси, яллиғланиш маркерлари даражаси ва гематологик кўрсаткичлар даволаш самарадорлигининг муҳим прогностик мезонлари бўлиши асосланган (University College London (Буюк Британия); ижтимоий стигма ва депрессия РҚТга содиқлик даражасига салбий таъсир кўрсатиши ва беморларда коморбид асоратлар хавфини ошириши тасдиқланган (Chinese Academy of Medical Sciences, Guangzhou Medical University (Хитой), University of Torino, University of Ferrara (Италия); индивидуаллаштирилган ёндашувлар ва хавф омилларини моделлаштириш ОИВ инфекцияси тарқалишини самарали чеклашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилган (Johns Hopkins University ва National Institutes of Health (АҚШ)); ОИВ ва вирусли гепатит В инфекцияси биргаликда учраганда беморларда метаболик ўзгаришлар ва даволаш натижаларига жиддий таъсир кўрсатиши исботланган (Karolinska Institutet (Швеция), University College London), юқори ички стигма ва руҳий қийинчиликлар РҚТни қабул қилишга таъсир қилувчи асосий омиллар эканлиги аниқланган (Chinese Academy of Medical Sciences (Хитой) University of Torino (Италия); Ўзбекистон шароитида эса ОИВ инфекциясида ҳар хил параметрлар ва коморбид ҳолатлар комплекс баҳоланган (Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон).

Дунёда ОИВ инфекцияли беморларда ҳар хил параметрлар ва коморбид ҳолатларни комплекс баҳолашни такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: ОИВ-инфекцияли беморларнинг комплекс клиник хусусиятларини касаллик босқичлари, коморбид ҳолатлар тузилмаси ва учраш даражаси бўйича узок муддатли динамикада таҳлил этиш, ретровирусли терапиянинг турли босқичларида иммунологик жавоб динамикаси ва вирусологик самарадорликни аниқлаш, ретровирусли терапия негизидаги ОИВ инфекцияли беморларда лаборатор кўрсаткичлар ўзгаришларини ўрганишни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Охирги ўттиз йил давомида ОИВ инфекция муаммоси унинг бутун дунё бўйлаб кенг тарқалиши ва аҳоли саломатлигига жиддий таъсири туфайли илмий тадқиқотларнинг интенсив объектига айланди. Юқори фаол РҚТнинг амалиётга жорий этилиши ОИВ инфекцияли беморлар орасида яшовчанлик кўрсаткичларини ва ҳаёт сифатини сезиларли даражада яхшилашга олиб келди (Pilcher C.D. et al.,

2017). Самарали РКТ вирус юкламасини аниқланмас даражагача камайтиришга ва иммун функциясини тиклашга ёрдам беради, бу эса CD4+ Т-лимфоцитлар миқдорининг кўпайиши ва оппортунистик инфекциялар ҳолатларининг камайиши билан намоён бўлади (Yang X. et al., 2020; Ding X. et al., 2024) Шу билан бирга, ОИВ инфекцияси узок муддатли кузатув ва назоратни талаб қиладиган сурункали касаллик бўлиб қолмоқда. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, беморларнинг 10% дан 40% гача бўлган қисмида вируснинг миқдори самарали сўндирилган ҳолда ҳам етарли иммунологик жавоб кузатилмайди. (Yang X. et al., 2020; Zhang W. et al., 2023). «Имунологик жавобсизлик»(INR) деб аталувчи бу ҳолатни чуқурроқ ўрганиш унинг сабабларини аниқлаш ва иммун тикланишини яхшилаш усуллари ишлаб чиқиш учун муҳимдир.

Турли хил иккиламчи ва ҳамроҳ касалликлар, жумладан, вирусли гепатит С билан коинфекция, метаболик ва юрак-қон томир касалликлари РКТга иммунологик жавобни жиддий равишда ёмонлаштиради ва нохуш клиник оқибатлар хавфини оширади (Ding X. et al., 2024). Бундан ташқари, коморбид ҳолатлар даволашни қийинлаштиради, ножўя таъсирлар хавфини кўпайтиради ва беморларнинг даволашга садоқат даражасини пасайтиради (Yang X. et al., 2020).

РКТ самарадорлигини ўрганишдаги катта ютуқларга қарамай, иммунологик етишмовчиликка таъсир қилувчи омиллар билан боғлиқ айрим муаммолар ҳали ҳам ечимини топмаган. CD4+ Т-лимфоцитлар тўлиқ тикланиш механизмлари тўлиқ аниқланмаган ва қўшимча илмий тадқиқотларни талаб этади (Guedes de Oliveira et al., 2025).

Халқаро ва минтақавий маълумотлар ОИВ билан яшовчи инсонлар ўртасида РКТ қамрови ўсиб бораётганини кўрсатади. Бироқ, Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатларида вазият ҳанузда жиддий: UNAIDSнинг 2024 йилги ҳисоботида кўра, фақатгина тахминан 51 % беморлар РКТ қабул қилишяпти ва фақат 42 % беморларда вирусологик супрессияга эришилган, бу эса дунё бўйича энг паст кўрсаткич ҳисобланади. Вирус юкламаси устидан назоратнинг бундай паст даражада бўлиши инфекциянинг эпидемиологик назоратини жиддий қийинлаштиради ва минтақада янги ОИТС ҳолатларининг ўсиши ва ўлим ҳолатларининг кўпайиши билан бирга кечмоқда (UNAIDS, 2024); (UNAIDS Global AIDS Update EESA, 2024).

Ўзбекистонда ҳам ОИВ инфекциясининг турли жиҳатларига бағишланган муҳим илмий тадқиқотлар олиб борилган, жумладан ОИВнинг РКТ дориларга бошланғич резистентлиги устидан молекуляр назорат тизими жорий этилди, у вирус геномини секвенциялашга асосланган (Байжанов А.К., 2018), кучли иммунодефицит ҳолатида цитомегаловирус (ЦМВ) инфекциясининг юқори учрашини (Касимова Р.И., 2020) ОИВ ва гепатит С коинфекциясида жигар фиброзининг генотипга боғлиқлиги (Насирова Х.П., 2022), болалардаги ОИВ инфекциясида гематологик асоратлар ва иммунопатология хусусиятлари ўрганилган. (Рахматуллаева Ш.Б., 2023). Ўзбекистонда ОИВ инфекцияси эпидемияси нисбатан кеч бошлангани

сабабли, узоқ муддатли динамикада касалликнинг минтақавий хусусиятларини, коморбид касалликлар, иммунологик жавоб ва терапия самарадорлигини ўрганиш долзарб ҳисобланади. Ҳозирда иммунологик жавоб йўқлигининг олдини олиш, коморбид ҳолатларни бошқариш ва ресурслар чекланганида самарали стратегияларни ишлаб чиқиш масалалари долзарблигича қолмоқда. Шунинг учун мазкур муаммо илмий ва амалий аҳамиятини сақлаб қолади ва янада тизимли, кенг кўламчи тадқиқотларни талаб қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази илмий-тадқиқот режалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ретровирусга қарши терапия фонидаги ОИВ инфекцияли беморларда ҳар хил параметрлар ва коморбид ҳолатларни комплекс баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ОИВ-инфекцияли беморларнинг комплекс клиник хусусиятларини касаллик босқичлари, коморбид ҳолатлар тузилмаси ва учраш даражаси бўйича узоқ муддатли динамикасини аниқлаш;

ОИВ инфекцияли беморларда турли омилларга қараб яшовчанлик кўрсаткичларини аниқлаш ва ўлим хавфини асослаш;

ретровирусли терапиянинг турли босқичларида иммунологик жавоб динамикаси ва вирусологик самарадорликни аниқлаш;

ретровирусли терапия негизидаги ОИВ инфекцияли беморларда лаборатор кўрсаткичлар ўзгаришларини асослаш;

ОИВ инфекциясини ташхислаш, мониторинг ва беморларни бошқаришни оптималлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ва Тошкент шаҳар ОИТСга қарши кураш марказларида рўйхатда турган 18 ёшдан ошган 3741 нафар ОИВ-инфекцияли беморларнинг диспансер бўлими ҳисобот шакллариининг расмий маълумотлари, шунингдек 1237 нафар беморлар ва уларнинг амбулатор карталари ва стационар беморнинг тиббий баённомаларини ичига олган тиббий ҳужжатлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида кенг қамровли иммунологик текширувларни амалга ошириш учун ОИВ инфекцияли беморларнинг веноз қон намуналари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун: умумий клиник (лаборатория ва инструментал), серологик (иммунофермент таҳлил (ИФТ), иммуноблотинг), иммунологик (оқим цитофлуориметрия), молекуляр-генетик (полимераза занжир реакцияси (ПЗР) сифат ҳамда, миқдорий ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ОИВ-инфекцияли беморларда 20 йилдан ортиқ динамикада иккиламчи ва ҳамроҳ касалликлар спектрида оғиз бўшлиғининг

патологиялари (81%), сурункали диарея (44,3%) устун бўлганлиги, ўлим вақтида эса – онкологик касалликлар орасида ОИТС индикатор бўлмаган ўсмалар (72%), жигар циррози (16%), юрак-қон томир касалликлари (49%) ва анемия (45%) ишонарли даражада ($p < 0,05$) устунлиги аниқланган;

илк бор ОИВ-инфекцияси билан касалланган 50 ёш ва ундан катта беморлар улуши 20 йилдан ортиқ кузатув давомида 11% дан ретровирусга қарши терапия сабабли 42,9% гача ортгани исботланган;

илк бор коморбидлик (Чарлсон индекси ≥ 5) 40 ёшгача бўлган ОИВ инфекцияли беморларнинг 59,3% ҳолатларда иммунтанқислик ривожланганлиги хисобига кузатилиши исботланган;

илк бор бошланғич CD4 хужайралари даражаси ≥ 124 хуж./мкл бўлиши, беморнинг ёши, коморбидлик ҳамда ретровирусга қарши терапияга содиқлик каби омиллар ОИВ инфекцияли беморларда CD4 > 500 хуж./мкл га эришишда аҳамиятли эканлиги асосланган;

илк бор ретровирусга қарши терапия қабул қилаётган ОИВ инфекцияли беморларда тизимли яллиғланиш индексининг нейтрофил-лимфоцитар ($r = 0,828$, $p < 0,001$) ва тромбоцитар-лимфоцитар индекслари ($r = 0,636$, $p < 0,001$) орасида давомий яллиғланиш сабабли корреляцион боғлиқликлар мавжудлиги исботланган

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ОИВ инфекциясини эрта клиник босқичларда аниқлаш зарурати касалликнинг ўткир давридаги атипик белгилар, ҳамда иккинчи клиник босқичида оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватлари, тери ва юқори нафас йўллариининг ўзига хос зарарланиши беморларнинг тор доирадаги мутахассисларга дастлаб мурожаат қилишини инобатга олиб, ОИВ инфекциясини эрта аниқлаш ва скрининг дастурларини кенгайтириш зарурлиги асосланган;

тор доирадаги (стоматологлар, дерматологлар, оториноларингологлар) мутахассисларни ва умумий амалиёт шифокорларини ОИВ инфекциясининг эрта клиник белгиларини аниқлаш бўйича малакасини ошириш асосланган;

касаллик динамикасида ёши катта ОИВ инфекцияли беморлар сонининг ортиши, бу ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тиббий ёрдамни мослаштиришни талаб қилиши, жумладан, дори схемаларини мувофиқлаштириш ва ёшга боғлиқ коморбид ҳолатларни инобатга олиш орқали амалга оширилиши асосланган;

ташхис қўйиш ва ўлим пайтида юқори коморбидликнинг индексининг аниқланиши ОИВ билан касалланган беморларни даволашда комплекс ёндашув ва кўп мультидисциплинар бошқарувни жорий этиш зарурлигини кўрсатади.

иммунологик ва яллиғланиш маркерларининг лимфоцитларда CD38 ва CD95 экспрессиясининг ортиши, циркуляция қилувчи иммун комплекслари (ЦИК) ва иммуноглобулинлар даражаси, иммун бошқарув индекс (ИБИ), нейтрофил-лимфоцит ва моноцит-лимфоцит индексларининг ўзгариши иммун тизими фаоллашуви, касалликнинг прогрессияси ва оппортунистик инфекциялар ривожланиш хавфи индикаторлари бўлиб хизмат қилиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, тадқиқотларда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи умумий клиник, серологик, иммунологик, молекуляр-генетик ва статистик усуллар, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти узоқ муддатли динамикада (20 йилдан ортиқ) ОИВ инфекцияли беморларда иккиламчи ва ҳамроҳ касалликлар спектри, уларнинг динамикаси ва асосий хавф омиллари (ёш, коморбидлик, иммун жавоб, РҚТга содиқлик) комплекс равишда аниқланганлиги, ташхис қўйилган пайтда асосан иккиламчи касалликлар (оғиз бўшлиғи патологиялари, Капоши саркомаси, ўлим вақтида эса ОИТС индикатор бўлмаган ўсмалар, жигар циррози, юрак-қон томир касалликлари ва анемиянинг юқори учраши, ёши 50 дан ошган беморлар улуши 20 дан ортиқ йилда 11% дан 42,9% гача ошиб бориши, ёшларда ҳам юқори коморбидлик индексининг юқорилиги, иммун тикланишнинг асосий қонуниятлари, шу жумладан, CD4+лимфоцитларининг бошланғич меъёри (≥ 124 х/мкл) прогностик аҳамиятга эгаллиги кўрсатилганлиги, касалликни эрта аниқлаш ва даволаш стратегияларини индивидуаллаштириш бўйича тавсиялар асослаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ОИВ инфекциясини эрта клиник даврларида аниқлаш бўйича тор доирадаги мутахассисларнинг малакасини ошириш, ёш ва коморбидлик индексини ҳисобга олган ҳолда тиббий ёрдамни персоналлаштириш, мултидисциплинар бошқарувни жорий этиш ва иммунологик маркерлардан клиник амалиётда самарали фойдаланиш соғлиқни сақлаш тизими маблағларини тежашни таъминлаши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 2 февралдаги 12-сон баённомаси илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга жорий этиш бўйича №12/33-сонли хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: илк бор ОИВ-инфекцияли беморларда 20 йилдан ортиқ динамикада иккиламчи ва ҳамроҳ касалликлар спектрида оғиз бўшлиғининг патологиялари (81%), сурункали диарея (44,3%) устун бўлганлиги, ўлим вақтида эса – онкологик касалликлар орасида ОИТС индикатор бўлмаган ўсмалар (72%), жигар циррози (16%), юрак-қон томир касалликлари (49%) ва анемия (45%) ишонарли даражада ($p < 0,05$) устунлиги аниқланганлиги бўйича таклифлар (Вирусология илмий тадқиқот институти ҳузуридаги Экспертлар кенгашининг 2024 йил 14 февралдаги №н-р/35-сонли хулосаси). «Коморбид ҳолатларни баҳолаш ва ОИВ инфекциясининг оқибатларини баҳолашда коморбидлик индексидан фойдаланиш»

мавзусидаги услубий тавсияномада акс эттирилган. Ушбу тавсиялар Қорақалпоғистон Республикаси ОИТСга қарши курашиш марказининг 2024 йил 03 апрелдаги 91-Р сонли ва Бухоро вилояти ОИТСга қарши курашиш марказининг 2024 йил 6 апрелдаги 58-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 2 февралдаги 12/33-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* натижалар ОИВ инфекцияли беморларни эрта аниқлаш, уларни олиб боришнинг сифатини ошириш, асоратларни ўз вақтида аниқлаш, прогнозни яхшилаш ва ўлим хавфини камайтириш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* ОИВ инфекцияли беморларни касалликнинг эрта даврларида аниқлаш орқали 1 нафар бемор учун сарфланадиган йиллик ҳаражатларни 5.5-7.5 млн сўмга камайтириш мумкин, 10 нафар беморлар учун 55-75 млн сўмгача маблағни тежаш имконини беради.

иккинчи илмий янгилик: илк бор ОИВ-инфекцияси билан касалланган 50 ёш ва ундан катта беморлар улуши 20 йилдан ортиқ кузатув давомида 11% дан ретровирусга қарши терапия сабабли 42,9% гача ортгани исботланганлиги бўйича тавсиялар (Вирусология илмий тадқиқот институти ҳузуридаги Экспертлар кенгашининг 2024 йил 14 февралдаги №н-р/35-сонли хулосаси) «Коморбид ҳолатларни баҳолаш ва ОИВ инфекциясининг оқибатларини баҳолашда коморбидлик индексдан фойдаланиш» мавзусидаги услубий тавсияномада акс эттирилган. Ушбу тавсиялар Қорақалпоғистон Республикаси ОИТСга қарши курашиш марказига 2024 йил 03 апрелдаги 91-Р сонли ва Бухоро вилояти ОИТСга қарши курашиш маркази 2024 йил 6 апрелдаги 58-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий қилинган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 2 февралдаги 12/33-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* кекса беморларда ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда ОИВ инфекциясини бошқариш тактикалари тиббий ёрдам сифатини яхшилаб, уларнинг ижтимоий мослашувини ва ҳаёт сифати ортишига хизмат қилади *Иқтисодий самарадорлиги:* ёшга боғлиқ асоратларнинг учраш даражаси ва оғирлигини камайтиришга, соғлиқни сақлаш ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ушбу тоифадаги беморларни даволаш харажатларини қисқартиришга хизмат қилади.

учинчи илмий янгилик: илк бор коморбидлик (Чарлсон индекси ≥ 5) 40 ёшгача бўлган ОИВ инфекцияли беморларнинг 59,3% ҳоллатларда иммунтанқислик ривожланганлиги хисобига кузатилиши исботланганлиги бўйича тавсиялар «ОИВ билан яшовчи шахсларда кандидоз нозологияси бўйича миллий клиник протоколларда (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025 йил 23 июндаги 180-сон буйруғи), ҳамда оппортунистик ва коинфекцияларнинг диагностикаси, даволаш ва профилактикаси бўйича буйруқларида (№402 2013 йил 29 ноябрь ва №81 2015 йил 4 март) акс этган. *Ижтимоий самарадорлиги* ОИВ инфекцияли беморларда силни эрта аниқлаш мисолида келтирилган, бу касалликнинг оғир шаклларида ўтишининг, асоратларнинг камайишига ва силнинг аҳоли орасида тарқалиш хавфини пасайишига олиб

келиши имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* силни касалликнинг бошланғич даврларида аниқлашда даволаш харажатлари ўртача 19 736 000 сўмни ташкил этса, кеч аниқланган ҳолатларда (оғир, ўпкадан ташқари ва тарқалган шаклларда) эса бу кўрсаткич - 34 000 000 сўмгача ошади, касалликни эрта аниқлаш, ҳамда олдини олиш соғлиқни сақлаш тизими ресурсларини тежаш ва оғир оқибатларнинг олдини олишга ва даволаш харажатларини 30–40% га камайишига имкон яратади.

тўртинчи илмий янгилик: илк бор бошланғич CD4 хужайралари даражаси ≥ 124 хуж./мкл бўлиши, беморнинг ёши, коморбидлик ҳамда ретровирусга қарши терапияга содиқлик каби омиллар ОИВ инфекцияли беморларда CD4>500 хуж./мкл га эришишда аҳамиятли эканлиги асосланганлиги (Вирусология илмий тадқиқот институти ҳузуридаги Экспертлар кенгашининг 2024 йил 14 февралдаги №н-р/35-сонли хулосаси) «ОИВ инфекциясида ретровирусга қарши терапия самарадорлигини оширишда спиролина (*Spirulina platensis*)дан фойдаланиш» бўйича услубий тавсиянома акс эттирилган. Ушбу тавсиялар Қорақалпоғистон Республикаси ОИТСга қарши курашиш марказига 2024 йил 03 апрелдаги 91-Р сонли ва Бухоро вилояти ОИТСга қарши курашиш марказига 2024 йил 6 апрелдаги 58-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашининг 2025 йил 2 февралдаги 12/33-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* иммунологик мониторинг ва эрта коррекция тизимининг жорий қилиниши орқали иммун тикланишининг тезлашиши, иккиламчи касалликлар профилактикасининг яхшиланиши, беморлар ҳаёти сифатини ва узоқ муддатли яшаш кўрсаткичлари ошишининг имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* иккиламчи инфекцияларнинг олдини олиш ҳисобига даволаш харажатлари камайишининг имконини беради.

бешинчи илмий янгилик: илк бор ретровирусга қарши терапия қабул қилаётган ОИВ инфекцияли беморларда тизимли яллиғланиш индексининг нейтрофил-лимфоцитар ($r=0,828$, $p<0,001$) ва тромбоцитар-лимфоцитар индекслари ($r=0,636$, $p<0,001$) орасида давомий яллиғланиш сабабли корреляцион боғлиқликлар мавжудлиги исботланганлиги (Вирусология илмий тадқиқот институти ҳузуридаги Экспертлар кенгашининг 2024 йил 14 февралдаги №н-р/35-сонли хулосаси) «Коморбид ҳолатларни баҳолаш ва ОИВ инфекциясининг оқибатларини баҳолашда коморбидлик индексидан фойдаланиш» мавзусидаги услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Ушбу тавсиялар Қорақалпоғистон Республикаси ОИТСга қарши курашиш марказига 2024 йил 03 апрелдаги 91-Р сонли ва Бухоро вилояти ОИТСга қарши курашиш марказига 2024 йил 6 апрелдаги 58-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашининг 2025 йил 2 февралдаги 12/33-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* Нейтрофил-лимфоцитар, тромбоцит-лимфоцитар ва тизимли яллиғланиш индексларнинг осон ва арзонлиги асоратларни эрта аниқлаш, ҳаёт сифатини ва тиббий ёрдам қамровини ошириш имконини беради.

Иқтисодий самарадорлиги. Нейтрофил-лимфоцитар, тромбоцит-лимфоцитар ва тизимли яллиғланиш индексларни оддий умумий қон таҳлили орқали ҳисобланиши бошқа яллиғланиш маркерларига нисбатан арзон (3000-50000) бўлиб бу ОИВ инфекцияли беморларда скрининг ва мониторинг харажатларини 3-4 марта камайтириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 34 та, жумладан 16 та халқаро ва 18 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 41 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16та мақола, жумладан 8 таси республика ва 8 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтига боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**ОИВ инфекциясининг демографик кўрсаткичларга таъсири: глобал ва минтақавий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида мавзуга оид маҳаллий ва халқаро манбалар таҳлил қилинган. Дунё ва Ўзбекистонда ОИВ инфекциясининг эпидемиологик ҳолати, сурункали касаллик сифатидаги аҳамияти, РҚТга иммунологик жавоб, сурункали иммун фаоллашув ҳамда коморбид патологиянинг аҳамияти кўрсатилган. Тизимли шикастланишлар, жумладан, ошқозон-ичак, асаб, юрак-қон томир тизимлари, онкологик ва бошқа коморбид ҳолатлар таҳлил қилинган ҳамда соҳадаги илғор ютуқлар ва истиқболли вазифалар баён этилган.

Диссертациянинг **Ретровирусга қарши терапия фонидаги ОИВ инфекцияли беморларда ҳар хил параметрлар ва коморбид ҳолатларни комплекс баҳолаш бўйича тадқиқотнинг материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материали ва усуллари келтирилган. Тадқиқот 2000-2024 йиллардаги маълумотлар асосида Республика ва Тошкент шаҳар ОИТСга қарши кураш марказлари ҳамда ихтисослаштирилган шифохона базасида ўтказилди. Танланмага диспансер ҳисобида турган, 18 ёшдан катта 3741 нафар беморлар тасодифий тарзда

киритилди. Клиник ташхис ЖССТнинг мослаштирилган ССВ тасдиқлаган баённомаларига (№480, №80, №81, №270 - 2018; №206- 2021; №270 - 2023) мувофиқ кўйилди.

Тадқиқот ретроспектив-проспектив кузатув дизайнига эга бўлиб, қиёсий кросс-секцион ва обсервацион тадқиқотлар, кўп омилли регрессия, Каплан–Мейер усули, Кокс модели каби тахлилий усуллар қўлланилди.

Беморлар ёш гуруҳларига ЖССТ (2015) тавсиясига асосан 10 йиллик интервал билан (20–29, 30–39, 40–49, 50–59, 60–69, 70–79, 80 ва ундан катта) таснифланди.

ОИВ инфекцияси ташхиси эпидемиологик анамнез ва антитаначаларни аниқлаш асосида кўйилди. Дастлабки аниқлаш иммун фермент тахлили (ИФТ) орқали (Genscreen Ultra HIVag/Ab, ДС-ИФА-анти-ВИЧ-Униф, ДС-ИФА-ВИЧ-АГАТ-СКРИН), тасдиқлаш иммуноблот тестлари (Inno-Lia HIV I/II Score, New Lav Blot I, МПБА-Блот-ВИЧ-1,2) билан амалга оширилди.

Қоннинг клиник тахлили лаборатор мониторингнинг асосий қисми бўлиб, эритроцитлар, лейкоцитлар, тромбоцитлар, эритроцитлар чўкиш тезлиги (ЭЧТ) кўрсаткичларини ўз ичига олди. Умумий қон тахлили асосида лейкоцитлар индекслар ҳисоблаб чиқилди.

Вирусологик мониторинг ва РҚТ самарадорлиги полимераз занжир реакцияси (ПЗР) асосида ОИВ РНК нусхаларини миқдорий аниқлаш орқали «АмплиСенс ВИЧ-Монитор-FRT», «ВИЧ-ген-количественный» (Россия) ва Artus HIV-1 RG RT-PCR Kit (Германия) тест тизимлари ёрдамида амалга оширилди.

Иммунологик мониторинг CyFlow®Counter оқимли цитофлуориметрия усулида ўтказилди. CD4+ лимфоцитлар даражасига кўра беморлар <50, 51–100, 101–199, 200–349, 350–499 ва >500 х/мкл гуруҳларга ажратилди. Кенгайтирилган иммунограмма тахлили Ўзбекистон республикаси Фанлар академиясига қарашли Иммунология ва инсон геномикаси институти иммуноцитокинлар лабораториясида амалга оширилди, ҳамда CD3+, CD4+, CD8+, CD20+, CD23+, CD4/CD8 нисбати, CD38+, CD95+, иммуноглобулинлар (IgA, IgM, IgG), циркулятор иммун комплекслар (ЦИК)лар аниқлашни ўз ичига олди.


Коморбидликни баҳолаш учун Charlson индекси (CCI) қўлланилди (Charlson et al., 1987). Статистик тахлил StatTech v.4.6.0 (Россия) дастурида амалга оширилди. Миқдорий кўрсаткичларда нормал тақсимот Колмогоров-Смирнов критерийси билан, нормал бўлмаган ҳолларда медиана (Me), кватиллар (Q1–Q3) ва IQR орқали тасвирланди. Категорияли маълумотлар мутлақ рақамлар ва фоиз кўринишида берилди. Икки гуруҳ таққослашда Манн-Уитни U-критерийси, диагностик баҳолашда ROC-анализ ва Юден индекси, яшовчанлик тахлилида Каплан–Мейер ва Кокс регрессияси қўлланилди. Статистик аҳамият $p < 0,05$ деб қабул қилинди.

Диссертациянинг «**ОИВ инфекцияли беморларнинг касаллик босқичи, клиник белгилар доираси ва коморбид патология тузилиши тавсифи**» деб номланган учинчи бобида 1237 нафар ОИВ-инфекцияли

беморлар бўйича комплекс клиник таҳлил натижалари келтирилган. Улардан 779 нафари РҚТ қабул қилувчи ва диспансер кузатувида бўлган ОИВ билан яшовчи шахслар (ОБЯШ), 458 нафари эса вафот этганлар гуруҳини ташкил этди. Тадқиқотда касаллик босқичлари, коморбид ҳолатлар тузилиши ва индекси, ёш ва ҳаёт давомийлигига қараб таққослаб ўрганилди.

Ташхис қўйиш пайтида беморларнинг асосий қисми меҳнатга лаёқатли ёшда бўлган (30–39 ёш - 42,1 %, 40–49 ёш - 28,8 %). 20 йилдан ортиқ кузатув давомида 50 ёшдан катта беморлар улуши 11,1 % дан 42,9 % гача ошган. ОИВ инфекцияси клиник кўрсатмалар асосида 43 % ҳолатда аниқланган ($p < 0,001$), бу кеч аниқланишни кўрсатади. 779 беморнинг фақат 11 % беморларда инфекция эрта босқичда, қолганлар III (62 %) ва IV (27 %) босқичларда аниқланган. Вафот этганлар орасида 88,5 % кеч босқичда бўлган. Беморлар аниқланган йил медианаси - 2010 йил.

Коморбид патология Чарлсон индекси асосида баҳоланди. 779 нафар ОБЯШдан 640 нафарида (83,2%) коморбид касалликлар аниқланди, 139 нафарда (17,7%) – кузатилмади. Вафот этганлар орасида коморбидлик 73,4% ни ташкил этди. Уларнинг 80,3% ва ОБЯШнинг 90% да коморбидлик индекси 5 баллдан юқори бўлди (1-расм). Оғир коморбидлик 40 ёшгача бўлган беморларнинг 59,3% да кузатилди, бу ёш беморлар гуруҳида ҳам коморбид касалликлар юқори юқини кўрсатади ва эрта скринингнинг долзарблигини тасдиқлайди.



1-расм. Коморбид патологияси мавжуд бўлган ОИВ-инфекцияланган беморларда (n=976) коморбидлик индексини таҳлил қилиш натижалари

Клиник таҳлилга кўра, ОБЯШларда энг кўп учрайдиган иккиламчи касалликлар оғиз бўшлиғи патологиялари бўлиб, улар 81% (631 бемор)да қайд этилган: кандидоз - 63,4%, ангуляр хейлит - 23,4%, ярали стоматит - 7,3%, тукли лейкоплакия - 2,1%. Шунингдек, беморларнинг 37%да 10%дан

ортиқ вазн йўқотилиши, 44,3%да сурункали диарея, 36,3%да герпес вирусли инфекциялар, 13%да пневмоцистали пневмония, 18,5%да ОИВ энцефалопатияси, 19,7%да сил, 8%да онкологик касалликлар аниқланган. Хамроҳ касалликлар орасида вирусли С гепатити устун бўлган сурункали гепатитлар (23,3%), шунингдек, жинсий-айириш тизими (11,5%), ошқозон-ичак тракти (6,6%), нерв-психик (2,2%), тери (1,5%) ва юрак-қон томир касалликлари (20%) қайд этилган. Юрак-қон томир патологиясида артериал гипертония, дилатацион кардиомиопатия, зўриқиш стенокардияси, миокард инфаркти ва структур ўзгаришлар (чап қоринча гипертрофияси, аорта склерози, систолик, диастолик дисфункция) устунлик қилди. Ўлим сабаблари тузилмасида микобактериал инфекциялар (21,1%) биринчи ўринда бўлиб, улардан ўпка сили 86,4%, ўпкadan ташқари сил 9,7%, тарқалган сил 3,9%ни ташкил этди. Қолган ҳолатларда ОИВ энцефалопатияси (18,8%), бактериал (9%) ва пневмоцистали пневмонияси (4,6%) ҳамда бошқа оғир оппортунистик инфекциялар қайд этилган. Онкопатология таҳлилида вафот этганлар орасида ОИТСга боғлиқ бўлмаган ўсмалар (72%) устунлик қилганлигини кўрсатди, улардан ўпка 10%, ичак 7%, мия 8% ва бошқа локализацияли ўсмаларни ташкил этди. ОИТСга боғлиқ ўсмалар 28% ташкил этиб, улардан Капоши саркомаси 13%, лимфомалар 10%, бачадон бўйни саратони 5% ни ташкил этган. Бу ОИВ инфекциясида ОИТСга боғлиқ бўлмаган хавфли ўсмалар улуши ортиб бораётганини кўрсатади. Таҳлил натижалари коморбид ҳолатлар ва оппортунистик ҳамда ОИТСга боғлиқ бўлмаган ўсмаларнинг кенг тарқалганлигини кўрсатди ва беморларни комплекс, индивидуал ёндашув асосида бошқариш зарурлигини тасдиқлади.

Диссертациянинг «**ОИВ инфекцияли беморларда яшовчанлик ва ўлим хавфининг комплекс таҳлили**» деб номланган тўртинчи бобида узоқ муддатли кузатув давомида ОИВ инфекцияли беморларда яшовчанлик ва ўлим хавфига таъсир этувчи омиллар таҳлили натижалари баён этилган. Яшовчанликни таҳлил қилиш учун Каплан-Майер усули, ўлим хавфини баҳолаш учун эса Коксинг пропорционал хавфлар модели қўлланилди. 458 та ўлим ҳолати асосида клиник босқич, Чарлсон индекси, РҚТга риоя, ёш ва жинс кўрсаткичлари баҳоланган. ОИВ инфекцияси ташхиси қўйилганда беморлар ёшининг медианаси 37 ёшни (20-79), ўлим пайтида 45 ёшни (22-89) ташкил этди. Беморларнинг 83,2% 19–49 ёшда бўлган. Вафот этганлар орасида 40–49 ёшда 46,5%, 50–59 ёшда 23%, 60 ёшдан катталар 8,5% ташкил этган. Яшаш муддатининг медианаси I босқичда 9 йил, II 8 йил, III 7 йил, IV- 1 йилни ташкил этди. Ўлим ҳолатларнинг 12% ташхисдан сўнг биринчи йилда, 9,6% биринчи 1-2 ойликда асосан кеч ташхис фонидида содир бўлган. 1–5 йил яшаганлар 28,6%, 6–10 йил 25,3%, 11–15 йил 24,6%, 15 йилдан ортиқ фақат 9,1%. Кўп омилли регрессия таҳлилига кўра, аёлларда 50% яшовчанлик 15–16 йил, эркакларда 13–14 йилни ташкил этди ($p < 0,05$). Эркакларда РҚТга риоя паст, хавф омиллари кўп ва ёш ортган сари ўлим хавфи 3% га ошади ($HR=1,03$; $p < 0,001$).

Ташхис қўйилган пайтда I–II клиник босқичдаги беморларда яшовчанликнинг юқори кўрсаткичлар қайд этилди (99,2% ва 100,0%), III (93,8%; 95% ишончлилик интервали (ИИ): 89,0–96,5) ва IV (92,6%; 95% (ИИ): 84,3–96,6) босқичдаги беморларга нисбатан. 5 йилдан сўнг фарқлар кучайди: I - 90,3%, II - 94,9%, III - 80,0%, IV - 70,9%. 20 йилда IV босқичдаги беморларда ўлимнинг кумулятив хавфи 64,3% га етди (95% ИИ: 44,7–83,4).


РҚТга риоя қилиш асосий прогностик омил бўлиб, вафот этганлар орасида 42,4% умуман РҚТ қабул қилмаган, 11,6% даволашни тўхтатган, фақат 43,7% мунтазам қабул қилган. Узоқ яшаш фақат РҚТга содик беморларда қайд этилган. ОИВ инфекцияси билан касалланган беморларда РҚТ қабул қилишга боғлиқ равишда ўлим хавфининг нисбий баҳоси (HR) Кокс усулида таққосланганда РҚТ қабул қилмаган беморларда ўлим хавфи $HR=1.000$ га тенг бўлган, РҚТ қабул қилган беморларда эса бу кўрсаткич анча паст бўлиб, $HR=0.178$ ни ташкил этган. Бу натижалар РҚТ қабул қилиш ўлим хавфини 5 баробардан ортиқ камайтиришини кўрсатади. Ташхис қўйилганидан сўнг биринчи йилда вафот этган беморлар орасида 73,2% РҚТ қабул қилмаган.

Чарлсон индекси юқори (≥ 5 балл) бўлган беморларда ўлимнинг 20,4% биринчи йилда рўй берган ва ҳар бир қўшимча баллда ўлим хавфи экспоненциал тарзда ошган (ҳар бир балл учун хавф 10,3% га ортиб борган). Коморбид патология бўлмаган беморлар гуруҳида (ИК=0) узоқ муддатли (15 йилдан ортиқ) яшаш эҳтимоли 18,9%ни ташкил этган, ИК 1–5 бўлган гуруҳда эса бундай узоқ яшаш ҳолатлари қайд этилмаган.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда ОИВ инфекцияли беморлар яшовчанлигининг илк комплекс таҳлили ўтказилиб, асосий прогностик омиллар аниқланди. Бу натижалар клиник протоколларни янгилаш, беморларни индивидуал бошқариш ва хавфни стратификация қилиш тизимини ривожлантириш учун асос бўлади.

Диссертациянинг «ОИВ инфекцияси билан касалланган беморларда даволашнинг турли босқичларида ретровирусга қарши терапиянинг иммунологик ва вирусологик самарадорлигининг динамикаси» деб номланган бешинчи бобида ОИВ инфекцияли беморларда $CD4^+$ лимфоцитлар миқдорининг 20 йиллик тикланиш динамикаси ва РҚТ самарадорлиги баҳолаш натижалари келтирилган. Терапия бошланишидан олдин 60,9% беморларда $CD4 < 200$ ҳуж./мкл (жумладан, $CD4 < 50$ - 17,4%) аниқланган. Даволаш бошлангандан сўнг 1 йил ичида оғир иммунодефицит ($CD4 < 50$) ҳолатлари 5% гача камайди, шу билан бирга $CD4 > 500$ кўрсаткичи 8,4% беморларда қайд этилди. 5 йилдан кейин $CD4 > 350$ беморларнинг 40,1%ида (шу жумладан, $CD4 > 500$ - 17,3%) кузатилди, 13–20 йилдан кейин эса мос равишда 40,9% ва 17,4% ни ташкил этди. $CD4 < 200$ кўрсаткичига эга беморлар улуши 60,9%дан 25,6%га тушди, аммо иммунологик жавоб бермаганлар (INR) улуши барқарор сақланди: 5 йилда - 24,4%, 13–20 йилда - 25,6%, бу эса айнан шу беморлар гуруҳида мониторинг ва терапияни индивидуал ёндашув асосида олиб бориш зарурлигини, чунки улар орасида

оппортунистик ва ОИТС билан боғлиқ бўлган асоратлар энг кўп учрашини кўрсатади (2-расм).



2-расм.ОИВ инфекцияли беморларда РҚТ бошланишидан олдин ва динамикада CD4 лимфоцитлар даражаси бўйича таҳлил натижалари (% беморлар улуши) (n=3282).

Сўнгги 4 йил ичида, 2025 йил ҳолатига кўра, интеграза ингибиторларининг кенг жорий этилиши натижасида CD4<350 ҳуж/мкл бўлган беморлар улуши 27,3%, CD4=351–499 ҳуж/мкл 21,5%, CD4>500 ҳуж/мкл 51,4% ни ташкил этди. Иммунологик ҳолатнинг тикланиш хусусиятларини баҳолаш мақсадида CD4+ лимфоцитлар даражаси динамикаси 1, 3, 5 йил ва узоқ муддатли (13–20 йил ва ундан ортиқ) кузатув интервалларида таҳлил қилинди. Бунда дастлабки CD4+лимфоцитлари миқдори бўйича гуруҳлар (<50, 51–100, 101–199, 200–349, 350–499 ҳуж/мкл) орасида тикланиш суръати ва даражасидаги фарқлар ўрганилди, шунингдек CD4>500 ҳуж/мкл га эришиш эҳтимоли ва ушбу кўрсаткичга эришган беморлар улуши аниқланди. Турли даврлардаги CD4+ лимфоцитлар даражалари ва уларнинг абсолют ўсиш динамикаси 1-жадвалда кўрсатилган.

1-жадвал.


Ретровирусга қарши терапия қабул қилаётган ОИВ инфекцияли беморларда CD4 лимфоцитларининг медиан ва мутлақ ўсиши қийматларининг турли кузатув даврларида динамикаси

Бошланғич CD4	АРТ йили	1 йилдан сўнг		3 йилдан сўнг		5 йилдан сўнг		13–20 йилдан сўнг	
		m	ўсиш	m	ўсиш	m	ўсиш	m	ўсиш
CD4 <50	0	118,0	8,0	202,0	152,0	257,0	207,0	308,0	58,0
CD4 51–100	5	151,5	6,5	218,0	143,0	282,7	207,0	308,0	58,0
CD4 101–199	50	222,0	9,0	293,0	143,0	311,0	160,1	319,5	69,5
CD4 200–349	75	335,5	0,5	394,0	119,0	415,5	140,50	350,0	75,0
CD4 350–499	75	463,5	8,5	445,0	70,52	495,0	128,0	379,0	4,0

Изоҳ: m – CD4+ ҳужайралар сонининг медианаси, мутлақ ўсиш бирлиги – ҳуж/мкл.

Чуқур иммун танқислик ($CD4 < 50$ хуж/мкл) бўлган гуруҳда 13–20 йил давомида $CD4$ лимфоцитларининг медиан қиймати 50 дан 308х/кл/мклгача ошган (ўсиш- 258 хуж/мкл), шунга ўхшаш натижалар бошланғич $CD4$ 51–100 хуж/мкл бўлган беморларда ҳам кузатилган (ўсиш - 233 хуж/мкл). Бошланғич $CD4$ даражаси юқори бўлган гуруҳларда эса мутлақ ўсиш динамика ўртача ёки минимал бўлди (75 ва 4 хуж/мкл мос равишда) (1-жадвал).


Барча гуруҳларда $CD4+$ лимфоцитлар сонининг энг катта ўсиши терапиянинг дастлабки 3-5 йилида кузатилди, кейин эса тикланиш суръати пасая бошлади. 13–20 йилдан сўнг, бошланғич оғир иммуносупрессияси бўлган беморларда ҳам $CD4+$ кўрсаткичлари юқорироқ бошланғич даражадаги гуруҳлар билан деярли тенглашди. Бошланғич $CD4+$ даражасининг узок муддатли иммун жавобга таъсирини аниқлаш мақсадида корреляцион таҳлил ўтказилди. Чеддок шкаласи бўйича корреляцион таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, РКТ бошланганидан кейин биринчи ва иккинчи йилда корреляция юқори даражада бўлган, 3 ва 5 йилда ўртачага тушган ва 13–20 йилда заифлашган. Бу ҳолат бошланғич $CD4+$ лимфоцитлар даражасининг узок муддатли динамикадаги кўрсаткичларга таъсири босқичма-босқич пасаяётганини акс эттиради (3-расм).



3-расм. ОИВ инфекцияли беморларда бошланғич $CD4$ даражасининг узок муддатли иммун жавобга таъсирини таҳлил қилиш (n=3282).


$CD4+$ лимфоцитлар миқдорининг оптимал кўрсаткичлар (>500 хуж/мкл)гача тикланиш эҳтимолини башорат қилиш учун бошланғич чегара қийматларини аниқлаш мақсадида ROC-таҳлил ўтказилди. ROC-таҳлил натижаларига кўра, РКТ бошлангандан сўнг $CD4 > 500$ хуж/мкл кўрсаткичга етишиш учун бошланғич $CD4+$ лимфоцитларининг оптимал чегара қиймати 124 хуж/мкл ни ташкил этди (сезгирлик - 68,4 %, спецификлик - 41,2 %).

